

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Нурмуҳаммедова Гўзалхон Баҳодировна

Ҳарбий-техника институти “Умумназарий ҳуқуқий  
фанлар” кафедраси ўқитувчиси, майор

[xti\\_ng1010@mail.ru](mailto:xti_ng1010@mail.ru)

ID [orcid.org/0000-0003-1996-8292](http://orcid.org/0000-0003-1996-8292)

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2017-6-6-5>

Мақолада мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган демократик-ҳуқуқий ислоҳотлар, мазкур йўналишда давлат бошқаруви органлари билан бир қаторда жамоат назоратининг ўрнини таъминлаш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган вазифалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** коррупция, жамоатчилик назорати, фуқаролик жамияти, коррупцияга қарши курашиш, давлат ҳокимияти органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, мансабдор шахс.

## ЗНАЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ КОРРУПЦИИ

В статье раскрыты демократическо-правовые реформы в сфере противодействия коррупции, а также задачи органов государственного управления, связанные с обеспечением и укреплением общественного контроля, в данном направлении.

**Ключевые слова:** коррупция, общественный контроль, гражданское общество, противодействие коррупции, органы государственного управления,

негосударственные некоммерческие организации,  
должностное лицо.

## THE IMPORTANCE OF PUBLIC CONTROL IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION

The article discloses democratic and legal reforms in the field of combating corruption, as well as the task of government bodies related to the provision and strengthening of public control in this direction.

**Keywords:** corruption, public control, civil society, anti-corruption, government bodies, non-state non-profit organizations, executive.

Ҳар қандай жамиятда давлат ва бошқарув, ўша давлат Конституция-сида кўзда тутилганидек, унинг туб мақсадларига мос бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир-лар” дейилади. Асосий қонуннинг бундай талаблари давлат ҳокимияти, давлат хизмати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият механизмларида ёки уларнинг соҳаларида мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширади, давлат ашпаратининг фуқаролар олдидаги мажбуриятларини белгилаб беради. 2017 йилни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши ҳам фикримиз далилидир. Халқни давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончи албатта, шу давлатнинг тараққиётига хизмат қилади.

Мамлакатимизда демократик қадриятлар қарор топиб бораётган, глобаллашув жараёнлари авж олиб бораётган бир вақтда коррупция аталмиш даҳшатли

иллатнинг бир давлат эмас, балки бутун бир минтақа ёки жаҳон тараққиётига таҳдид солаётганлиги хавотирли. Таъкидлаш лозимки, коррупция демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишига олиб келади, иқтисодиётни издан чиқаради, жамият ва давлат учун ўта хавфли бўлган уюшган жиноятчилик ва терроризмнинг кенг ёйилишига шароит яратиб беради.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти шунга амин бўлмоқдаки, коррупция иллоти, одам савдоси, терроризм, гиёҳвандлик воситалари савдоси, қурол-яроғ савдоси каби халқаро жиноятлар билан бевосита боғлиқ. Умуман олганда, коррупция уларни молиявий қўллаб-қувватлаётган бўлса, бошқа томондан қараганда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг фаолиятига жиддий путур етказди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, *“Албатта, бугун бизнинг янада жадал олдинга боришимизга халақит бераётган, йўлимизда тўсиқ бўлаётган ғовлар кўп. Айниқса, коррупция деган балонинг олдини олиш ва унга қарши катъий курашиш лозим. Дунёда коррупцияни енгиб бўлмайди, деган гап кенг тарқалган. Мен бунга қўшилмайман. Тўғри, коррупцияни охиригача енгиб бўлмайди, деган гапда жон бор. Лекин ҳаммамиз, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, бир тану бир жон бўлиб курашсак, уни енгиш мумкин”<sup>1</sup>.*

Коррупция атамасининг этимологик тушунчаси ва таърифи жиҳати хусусида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, кенг оммалашган биринчи фикр тарафдорларига кўра, этимологик жиҳатдан

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. - Т.: “Ўзбекистон”, 2015 йил - Б-293.

коррупция атамаси лотинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан бўлиб “пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади<sup>2</sup>. Кейинги қарашларга кўра, коррупция атамаси лотинча “corrumpere” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бузилиш, айниш, таназзул” деган маънони англатади<sup>3</sup>.

Инсон, жамият ва давлат учун катта хавфга эга бўлган ва бир вақтнинг ўзида жамият ҳаётининг барча соҳаларига салбий таъсир ўтказадиган коррупция омиллари бугунги кунда нафақат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хавфсизлиги учун таъсир ўтказди, балки фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини бузди ва тадбиркорликнинг ривожланиши учун тўсқинлик қилади.

Коррупциянинг жамиятга таъдири барча миллатлар, диний, ҳуқуқий адабиётларнинг қадимий манбаларида ҳам қайд этилади. Давлат бошқаруви санъатига бағишланган қадимий ҳинд достонларидан “Артхашастра” (эр.авв.IV аср)да подшоҳ олдида турадиган муғим вазифалардан бири хазинани талон-тарож қилувчиларга қарши курашиш эканлиги таъкидланади. “Осмонда учаётган қушнинг қаёққа қараб бурилишини айтиб беришдан кўра, айёр амалдорнинг қандай ҳийла ўйлаб топишини олдиндан айтиб бериш мушкулроқдир; денгиздаги балиқ сувдан ичаётганлиги ё ичмаётганлигини аниқлаб бўлмаганидек, амалдор унга ишонилган мулкни ўзлаштираётган ё ўзлаштираётганлигини ҳам аниқлаб бўлмайди”<sup>4</sup>, - дейилади.

---

<sup>2</sup> Криминология. Учебник. Отв.редактор: Рустамбаев. М.Х. – Ташкент: ТҶОИ, 2008. – С. 219.

<sup>3</sup> Интернет манзили: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Коррупция>

<sup>4</sup> Кузнецов Ю.А., Силинский Ю.Р., Хомутова А.В. Российское и зарубежное законодательство о мерах противодействия коррупции. /

Коррупцияга қарши курашиш, уни бартараф этиш кўп ҳолларда унга сабаб бўлувчи омилларни, ҳолатларни ва шарт-шароитларни аниқлашдан ва уларни бартараф этишдан, шунингдек унга қарши комплекс курашишдан иборат бўлади.

Коррупцияга йўл очадиган омиллар сирасига ҳокимият органлари тизимининг мураккаблиги, буйруқбозлик таомилларининг кўплиги, давлат ҳокимияти органлари аппаратининг фаолияти устидан ташқи ва ички назо-ратнинг йўқлиги каби ҳолатларни киритиш мумкин. Ташкилий тушунмовчиликларни фуқароларнинг коррупцион хулқ-атворини рағбатлантиришдан фарқлаш баъзан жуда қийин кечади. Тақиқлар, рухсат бериш тартиблари сонининг ҳаддан ташқари кўплиги, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жалб қилинган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизмининг йўқлиги ҳам коррупцияга йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан бошлаб, собиқ тоталитар тузумдан мерос бўлиб ўтган иллат – коррупцияга қарши кескин ва мурасасиз курашиб келмоқда. Мамлакатимиз-да коррупцияга қарши курашиш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясида коррупция мамлакатнинг миллий хавфсизлигига таҳдидлардан бири, дея эътироф этилди. “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” да ҳам коррупцияга қарши курашиш масалалари белгиланган.

---

Интернет, Ассоциация юристов Приморья. Антикоррупционная сеть для стран с переходной экономикой. С.1.

Мамлакатимиз 2008 йил 7 июлда БМТнинг “Коррупцияга қарши” Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилди. Давлатимиз 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашишнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилган. Шунингдек, Олий Мажлис томонидан Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битими (Москва, 2011 йил 16 июнь) 2011 йил 13 декабрда ратификация қилинган. Ўзбекистон минтақамизда биринчилардан бўлиб “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди.

Ушбу тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 3 январь кuni имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун муҳим аҳамият касб этади. Ҳужжатда коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари сифатида қонунийлик; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги; очиқлик, шаффофлик ва тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлиги; коррупциядан огоҳлантириш ва жавобгарликнинг муқаррарлиги бўйича чоралар устуворлиги келтириб ўтилган. Шу билан биргаликда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари белгиланган бўлиб, бу органларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси; Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Бош

прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жинойӣ даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти каби давлат органлари киради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишда фақатгина давлат органларининг чора-тадбирлари етарли бўлмай, бу йўналишда фуқаролик институтларининг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги талаб этилади ва самара беради.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқаролар-нинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратади, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашади.

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида дуч келинган турли қийинчи-ликлар, мансабдор шахслар ҳамда давлат хизматчилари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг сустлиги ижтимоий ҳаёт шакли ва давлат фаолиятининг кўпгина соҳаларида коррупцион фаолиятни эҳтимолий таҳдидга айлантирди. Мансабдор шахслар ва бошқа давлат хизматчилари томонидан содир этилган коррупция билан боғлиқ жинойтлар жамоатчи-ликда, фуқароларда ҳокимиятга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончсизлик, улардан қўрқув ва ҳамкорлик қилишни хоҳламаслик ҳиссини вужудга келтиради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов қўйидагича фикр билдирганлар: *“Мен шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикримни такрорламоқчиман. Шунини унутмайликки, биз*

*давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғуланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим*<sup>5</sup>.

Жамоатчилик назорати давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлашга қаратилган жамоатчилик назорати субъектлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назоратга оид чора-тадбирлар мажмуидир.

Жамоатчилик фикри борасида олимларнинг қарашларини ўрганадиган бўлсак, бу борада “Ижтимоий шартнома” назариясини ишлаб чиққан француз мутафаккири Ж.Ж.Руссо давлатнинг қонунлари халқнинг иродасидан келиб чиқиши керак, деган шиорни илгари сурган. Руссо халқ йиғинини маълум бир муддатда чақириб туриш керак ва уларга қўйидаги иккита савол билан мурожаат қилиш керак деб тавсия беради:

1. Амалдаги давлат бошқарув шаклини сақлаб қолишга тарафдор-мисиз?

2. Давлат ҳокимияти ҳозирги бошқарувдаги шахс кўлида сақланиб қолиши керакми?

Бундай шароитда ҳокимият халқ йиғини натижаларига кўра истеъфо таҳдиди остида қолади<sup>6</sup>.

---

<sup>5</sup> И.А.Каримов Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.11. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003 йил – Б-17.

<sup>6</sup> Кант И. Критика чистого разума. В 6-ти т. Т. 3. М.: Мысль, 1964. С. 673.



Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг жаҳон амалиётида кенг тарқалган шакллари – бу давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига оид жамоатчилик эшитувлари, жамоатчилик муҳокамалари, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик таҳлили ёки мониторинги, жамоатчилик суриштируви, жамоатчилик текшируви, жамоатчилик сўрови, мурожаатлар, жамоатчилик ташаббуслари ҳисобланади.

Шунингдек, яна бир кенг тарқалган кўринишларидан бири – бу давлатнинг мансабдорлар томонидан ўз лавозимини суиистеъмол қилинишига қарши курашишни бевосита амалга оширувчи органлари билан жамоатчилик назорати субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги бўлиб, мазкур амалиёт кейинги йилларда коррупциянинг олдини олишда энг самарали механизмлардан бирига айланди. Чунки, давлат органлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи органлар ҳар доим ҳам тўрачилик, коррупция каби иллатларга барҳам бериш, яъни уларни мунтазам назорат қилиш ёки кузатиб бориш имкониятига эга бўлмайди, улар одатда олдиндан тузилган режалар ва танлов асосидаги текширувлар, шахсларнинг мурожаатлари кабилар орқали ёки ҳуқуқбузарлик аломатлари сезилгандагина ҳабардор бўлишади, жамоатчилик эса, айнан мансабдор шахслар билан ҳар куни, ҳар соатда тўқнаш келади.

Шу ўринда фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашдаги аҳамияти борасида тўхталсак. “Фуқаролик жамияти” тушунчасига олимларнинг таърифи турлича. Бироқ, содда қилиб айтганда, фуқаролик жамияти – бу, аввало, мамлакат тараққиёти, унда яшайдиган халқнинг муаммоларига бефарқ бўлмаган шахслар

жамоаси тушунилади. Бу инсонларни турли қатлам, соҳаларда бўладиган муаммолар қизиқтиради, бу сиёсат бўладими, таълим бўладими ёки экология соҳаси бўладими ва ҳ.к. Мана шундай жамият тараққиётига тўсиқ бўладиган муаммолардан бири бу – коррупция. Фуқаролик жамияти муаммоларга эътибор қаратар экан, демак коррупция муаммосини ҳам четлаб ўта олмайди.

Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг ички ахлоқий-руҳий маслағи ва эътиқодига айланиши керакки, бу коррупцияга қарши маърифат-нинг ўзагини ташкил қилади. Қонун талабларининг тўлақонли амалга оширилиши мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга, ривожланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда ҳам ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласи алоҳида ўринни эгаллайди. Унда ёши ва касбидан қатъий назар барчанинг ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлиши, айниқса, мактабларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилиши лозимлиги кўрсатилган.

Мазкур Қонуннинг 14-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши ҳуқуқий норма билан мустаҳкамлигининг ўзи ҳам бу борадаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигидан далолат беради. Мазкур моддани ўқир эканмиз, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқаролар коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро

этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши ҳамда мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкинлиги таъкидланган.

Умуман, жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат ҳокимияти органларига муайян қарорларни қабул қилиш бўйича муурожаат этиш, давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирувчи масалалар бўйича сўровларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллалар ҳудудларидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш каби шаклларда йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Қолаверса, бугунги кунда давлат Дастурлари талабларининг фуқаролар йиғини ҳудудидаги ижросини таъминлашда жамоатчилик гуруҳларини тузиш ва ўрганиш, натижалари бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисоботларини эшитиш ва шу орқали аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш, шунингдек, маҳаллий давлат органлари фаолиятига кўмаклашиш тадбирлари самарали олиб борилмоқда. Бу эса, жамоатчилик назоратининг жамиятда ижтимоий адолатнинг қарор топиши, шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил эканидан далолатдир.

Умуман олганда, жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ҳокимияти органларига муайян қарорларни қабул қилиш бўйича муурожаат этиш, давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирувчи масалалар бўйича сўровларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллалар ҳудудларидаги корхона ва

ташкilotлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш каби шаклларда йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик институтларига кенг ваколатлар берилётган бўлса-да, бу борада ҳали олдимизда ҳал қилинмаган муаммолар ҳам йўқ эмас. Улар сирасига,

- фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат бошқарув органлари фаолияти устидан назоратнинг ўрнатилмаганлиги;

- фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ билан давлат бошқарув органларининг ўзаро ҳамкорлик тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги;

- давлат бошқарув органларида коррупция даражаси ва унинг оқибатида келиб чиқаётган муаммоларнинг кундан-кунга ортиб бораётганлиги;

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва халқаро ташкilotлар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш соҳасидаги муаммоларнинг мавжудлиги;

- фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарув фаолиятида иштирокининг сустлиги, таъсир чораларининг кучсизлиги, аралашувининг йўқлиги;

- коррупцияга қарши курашишда жамоат назоратини ўрнатиш бўйича ҳуқуқий асосларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

- фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарасизлиги – “хўжакўрсинга” тузилганлиги;

- антикоррупцион фуқаролик жамияти институтининг йўқлиги;

- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг ҳамон пастлигича қолаётганлиги;

- ОАВнинг ролини кучайтириш масаласи, яъни “журналист суриштируви”, “журналист тергови”нинг етарли ривожланмаганлиги шулар жумласидандир.

Шунга кўра, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратини амалга ошириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Зотан, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамиятини мустақамлашнинг муҳим шартидир.

Бу эса, ўз навбатида жамоатчилик назоратининг жамиятда ижтимоий адолатнинг қарор топиши, шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил эканидан далолатдир.

Коррупциянинг яна бир асосий омили ижтимоий сабаблар ёки жамиятдаги муҳит бўлиб бунга аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданияти, маънавияти паст даражадалиги, уюшқоқлиги етишмаслиги ва жамоатчиликнинг фаол эмаслиги каби омиллар сабаб бўлади.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги пастлиги – қонунларни билмаслик ёки тушунмаслик мансабдор шахсга ўзининг шахсий манфаати йўлида қонунлардан фойдаланишга қулай шароит яратади. Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг

ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия масалалари “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 16, 17, 18-моддаларида ўз ифодасини топган. Чунки, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлган ва ҳуқуқий таълим ва тарбия жиҳатдан етук бўлган инсонлар салбий иллат бўлмиш коррупцияга йўл қўймайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор асосида жорий йил 2 февралда 2017–2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди.

Давлат дастурида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш Миллий дастурини ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, у орқали мамлакатда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар ташвиқотини тубдан яхшилаш кўзда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса сифатида айтиш мумкинки, фақатгина жиноий қонунчиликни оғирлаштириш йўли билан бу салбий иллатга қарши курашиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Бу иллатга қарши туришда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш, шу жумладан ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва

илмий адабиётлар ва бошқа тарғибот воситаларидан фаол фойдаланиш лозим бўлади.

Ўйлаймизки, бундай маънавий бузилиш ҳолатга қарши курашишда нафақат давлат органлари, балки жамият ва умуман барча фуқароларимиз масъулдирлар. Шундай экан, давлат ва жамият, шу билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотлари бундай иллатни олдини олиш ва унга қарши курашишда биргаликдаги ҳаракатигина самарали натижаларга эришишнинг энг мақбул йўли бўлиб ҳисобланади. Зеро, фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятини жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.